



Мамлакатимизда ахоли, айникса, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш орқали янги иш ўринларини яратиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Юртимиз иктисодиётини янада юксалтиришда илгор технологияларни ҳаётга кенг жорий этиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро узвийлигини таъминлаш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётгани фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Мехнат ярмаркасига ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари, олий ва ўрта махсус таълим масканларини битирувчи ёшлар таклиф этилди.

Мехнат ярмаркасида соҳага тааллуқли 200 га яқин корхона ва ташкилот, муассаса, давлат бошқарув идоралари талаб этилаётган иш ўринларини таклиф қилдилар.

“Aloqaloyiha” давлат унитар корхонаси маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телекоммуникация, телерадиоёшиттиришларни тарқатиш, маълумотлар узатиш, кўчма радиотелефон алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолият олиб боради. Ярмаркада мазкур корхона радио-реле линиялари ва радио алоқа, линия иншоотлари бўлимларига биринчи ва иккинчи тоифали муҳандис-лойиҳаловчи, смета бўлимига етакчи муҳандисликка оид вакант иш жойлари билан катнашди. Бу ерга келган иштирокчилар ёш мутахассислар учун яратилган шароитлар ва қўшимча ижтимоий имтиёзлар билан батафсил таништирилди.

“UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази таркибида 35 тузилма мавжуд бўлиб, бу ерда ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа соҳаси бўйича эллиқдан ортик хизмат турлари кўрсатилади. Марказ мутахассислари томонидан яратилган “E-hujjat”, “E-ijro”, “E-xat”, “E-kalit” каби замонавий дастурий ишланмалар хужжат алмашинуви, рақамли имзо, электрон почта ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотларда, жамоат тузилмаларида кенг қўлланилмоқда.

– Давлатимиз томонидан илгор технологиялар ривожига катта эътибор қаратилаяпти. Мазкур соҳада янги-янги иш ўринлари яратилаётгани ҳам фикримиз далилидир, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация муҳандислиги факультети 4-курс талабаси Саидмунир Фозилов. – Мехнат ярмаркасида соҳамиз учун тааллуқли корхоналар фаолияти, улардаги мутахассисларга қўйиладиган талаблар билан батафсил танишдик. Мен келгусида “UNICON.UZ” да ишлашга қарор қилдим.

Мобиль алоқа оператори “UMS” масъулияти чекланган жамияти ҳам ушбу ярмаркада иштирок этди.

– Компаниямизда техник мутахассисларга талаб катта, – дейди компаниянинг кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Кодиржон Назаров. – Мазкур ярмаркада ёшлар эътиборига маркетинг, Call Center оператори, GPRS ва LTE платформаларидан фойдаланиш, сервер инфратузилмасини бошқариш, техник хавфсизлик бўйича мутахассисликларга оид вакант иш жойларини хавола этмоқдамиз. Жамоамизда битирувчи талабаларнинг стажировка ўташи кенг йўлга қўйилган.

Мехнат ярмаркасида коллеж битирувчилари ҳам иш ўринлари ҳақида кенг маълумотларга эга бўлишди. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек туманидаги информатика касб-хунар коллежи битирувчиси Бахтиёр Мирзаев ёшларга тақдим этилган маълумотлар орқали “Ўзбектелеком” акционерлик компаниясининг “StarsTV” филиалига ишга жойлашишни мўлжаллаётганини билдирди.

Олмалик кон-металлургия комбинатининг ўқув маркази кадрлар тайёрлаш бўйича устаси Азимжон Дониёровнинг фикрича, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича юкори малакали ёшлар наинки мазкур тизим, балки ишлаб чиқариш, саноат, ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий жабҳаларда ҳам энг керакли мутахассислардир. “Ушбу ярмаркада битирувчи ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг

нечогли билимли, истеъдодли, интилувчан эканига ишонч хосил килдик”, дейди у.

Ахборот-коммуникация технологияларига доир бўш иш ўринлари ярмаркалари
Коракалпогистон Республикаси ва барча вилоятларда ташкил этилди.

Г. МУРОДАЛИЕВА.

Ф.АХМЕДОВ олган сурат.